

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР  
УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ**

2022 йил "01" 01 6 -сон Бухоро  
Т(Ш)ЭТЖ номи

Ҳизом асосида фаолият юритувчи  
Бухоро шаҳар Электр тармоқлари  
электр тармоқлари корхонасининг номи (туман(шаҳар)

раҳбари (кейинги ўринларда) (туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.) ўринлар

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Ҳизом асосида фаолият

юритувчи Бухоро “Мурувваъ” аёллар ширкати ўш  
(истеъмолчининг номи)

раҳбари Б. Мешаев (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

ҳисоб рақами 

--	--	--	--	--	--	--	--

 иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив \_\_\_\_\_ кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нарxi \_\_\_\_\_ сўмни, тариф(лар) бўйича \_\_\_\_\_

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган махсуслот ишлаб чиқарувчи айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин)

ташқил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми умумий Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартнома 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчиларнинг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг навоз станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бунд мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юклама соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> га қадар) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;